

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqarib boshlagan

№77 (6.602). Sotuvda erkin narxda



● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Эрон Ислам Республикаси Президентининг Сайинд Мухаммад Хотамий тақлифига** биноан 2003 йил 17-18 июн кунлари расмий ташриф билан Эрonda бўлади.

● **«Ўздонмаҳсулот»** давлат акционерлик корпорациясида жорий йил ҳосилини давлат ресурсларига қабул қилиб олишни юқори савияда ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда ўрим-йиғим маъсумини ўтказишга алоқадор вазирлик, компания, муассасалар раҳбарлари, дон маҳсулотлари уюшмалари ва корхоналарининг бошликлари, соҳа мутахассислари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.

● Андижон вилояти пиллачилари шартнома мажбуриятларини ошириб адо этдилар. Улар тайёрлов идораларига кўзда тутилгандан 52 тонна кўп, яъни 2277 тонна сифатли хомашё сотишга муваффақ бўдилар. Энг кўп пилла этиштиришда Улуғнор тумани, ҳосилдорликда эса жалолқудуқликлар бошқаларга намуна бўлишди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ГИҶХВандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ўртасида Ўзбекистон прокуратураси органлари компьютер тармоғини такомиллаштиришга қаратилган хужжат имзоланди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки матбуот хизматидан хабар қилишларича, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари сони яна иккитага кўпайди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Зоология институтидан Украинадаги Илимий-технологик марказ кўмаги билан очилган интернет симфини тақдироти бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залда Ўзбекистон ва Корея Республикаси расмоларининг «Буюк Ипак йўли» мавзусида кўргазмаси очилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича Хукуматлараро кўшма комиссиянинг мажлиси бўлди.



ИПАКНИНГ СИФАТИ ПИЛЛАГА БОҒЛИҚ

Пилла. Бу сўзни эшитишимиз билан кўз олдимизга беҳиштир ўзбекининг хонатласларини, ипакдан тайёрланган турли хилдаги харир матолар келади. Қайси хотин-кўз ҳавас қилиб киймайди дейсиз бундай матоларни?

Ахир, ўзбек аёлларининг хуснига-хусни, чиройига-чирой қўшиб юборадилар-да атлас... Ипакнинг сифати эса пиллакашнинг мўҳнатига боғлиқ. Афсуски, бу йилги пилла маъсуми пиллачилар учун бироз оғир келди. Об-ҳавонинг инжиқлиги боис пилладаги намлик юқори. «Ўзбек ипаги» уюшмасидан олинган маълумотга кўра, буғунгача 15630 тонна пилла тайёрланди. Бу шартномалардаги яғни кўрсаткичнинг мавсум бундан 95,2 фоиздан ташқил этади.

Республика бўйича ўртача пилла ҳосилдорлиги ҳар кун ипак курти ҳисобига 49 килограмдан тўри келмоқда. Буқор, Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ҳамда Андижон вилояти пиллакорларининг гайрат-шижояти банд. Улар пилла ҳосилдорлигини 55-60 килограмдан ошириб қўйишди. Аммо пилла топшириш ўтган йилга нисбатан бироз кечикмоқда. Ўтган йилнинг 16 июнига пиллаҳоналарга 19931 тонна пилла қабул қилинган эди. Бу шартномага нисбатан 103,6 фоизни ташқил қилган.

Сир эмас, манфаатдорлик бор жойда иш унуми юқори бўлади. Пиллақаш шунинг хоҳлайди, пилла тайёрлаш идорасига умид билан қарайди. Пилланнинг пулини вақтида беришса, рўзгоримга, яхши кунларимга ишлатсам, дейди. Пиллани тезда сотамиз-у пулини кечиктирмасдан эгасига берамиз каби ваъдалар бисёр. Ишқилиб, бу ниятлар ижобат бўлсин!

Шавкат ОРТИКОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Самарқанд вилоятидаги «Нурбулоқ» балнеологик даволаш муассасасининг довраги дунёга етган, десак адашмаймиз. Бу ерда 705 метр чуқурликдан 43 даражали маъданли ва родонли булоқ суви отилиб чиқади. Шифохонда ҳар йили уч-уч ярим минггача сихатталаб кишилар минг бир дардга даво малҳам сувдан шифо топишмоқда. Албатта, уларнинг соғлиқларининг тўла тикланишида тажрибали шифокор, 2-физиотерапия бўлими бошлиғи Мурод Йўлдошевнинг ҳам хизмати таҳсинга сазовор.

СУРАТДА: шифокор Мурод Йўлдошев.
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Мавсумни тез ва соз ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймастик учун нималарга эътибор бериш керак? Мутахассислар фикри қуйидагича: **МУҲАММАДЖОН ТОШБОЛАЕВ, Республика Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази раҳбарининг биринчи муовини:** - Дони тўла пилланган галлазорда ўрим 5 кунга кечикса 4 фоизгача, 10 кунга кечикса 12 фоиз дон ўзидан-ўзи ерга тўкилиб кетишини, комбайн ўтгандан кейин унинг ораксидида 1 квадрат метр майдонгача атиги битта бошқоннинг тушиб қолиши гектар ҳисобига 10-16 килограмм атрофидаги галланинг йўқолишига олиб келишини унутмаслик керак.

Аваз ЭРҒАШЕВ, Жомбой туманидаги Хўжам Низаматов номи ширкат хўжалиги раҳбари: - Бугунги кунда бегона ўтлар, айниқса, гумай, камийш, печак ва шўра кўп бўлса, ўрим пайтида комбайн пичқоқлари тезда ўтмаслашди ёки синиб кетади, яъни агрегат ишдан чиқиб даланинг ичида тўхтаб қолади. Энг ёмони, дон яхши эланмайди ва сомонга қўшилиб ташқарига чиқиб кетади. Галлазорларимизда бегона ўт йўқ. Комбайн бора олмайдиغان жой-

МАВСУМДА ИСРОФГАРЧИЛИК БЎЛМАСИН

лардаги галлани кўлда ўриб олиб, далани иложи борича тўртбурчак ҳолатига келтирайлик.

Бундан ташқари ўрим бошлангунга қадар йўлларни комбайн бемалол юрадиган ва дархалтар шохлари ҳалакит бермайдиган, кўприкларни эса комбайн сигадиغان ва энг камидан 10 тонна юкка бардош бера оладиган даражада сошлаб қўйиш керак. Текисланган бирорта ўқариқ ёки бурлиш майдонга ҳар бир гектарга, акс ҳолда техниканинг юриш қисми бузилади. Далаларимизни ўримга шундай тартибда тайёрламасак ҳар йили комбайнлар ердамида гектар ҳисобига ўртача 80 центнердан ошириб ҳосил йиғиб ололмаган бўлардик.

Ортиқбой ПИРАТОВ, Бобёут тумани МТП раҳбари: - Ҳар бир «Кей» галла комбайнига иккитадан юқари автомашинаси ёки тўрттадан трактор тиркамасини бириктирамиз. Уларнинг ярми далада, комбайннинг ёнида, қолгани йўлда бўлади. Комбайн ва транспорт воситаларига

кўчма устаконалар даланинг ўзида техник хизмат кўрсатади. Шунингдек, «Кей» комбайнининг ҳар бирга махсус ўқитилган уч нафар, Россия комбайнларига эса икки нафардан оператор бириктирилган. Улар ўз комбайнларини икки сменада бета-ўтис ишлатадилар. Шунинг айтиб ўтиш лозимки, ўрим чоғида дон ҳам, поя ҳам, дала ҳам қуруқ бўлади. Бу ҳушёрликни оширишни тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир комбайн иккита ўт ўчиригич, кигиз ёки брезент, белкуррак ва супурга билан таъминланган. Комбайнларни тайёрлашда уларнинг тирқиш ва дархалларини зичлашга алоҳида эътибор қаратдик. Эски комбайнларнинг янчиш аппарати ва элаклари тағига шолча тортиб қўйдик. Битта ҳам дон ерга тўкилмайди.

Ўрмининг тақдири кўп жиҳатдан комбайнчиларга боғлиқ эканлиги сир эмас. Уларга иш ҳақларини ўз вақтида бериш билан бир қаторда ҳар беш кунлик натижаларига қараб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш ҳамда умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида **Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. 2003/2004 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51100, шу жумладан 19900 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 5400, шу жумладан 1400 давлат грантлари ва 4000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин.

2. 2003/2004 ўқув йилида олий таълим муассасалари ҳузуридаги махсус сиртки бўлимларга ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича камидан уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, шунингдек болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5000, шу жумладан 1200 давлат грантлари ва 3800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда Оролбўйи минтақаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда тегишли бино ва иншоотларни, асосий фондларни ва молиявий маблағларни белгиланган тартибда Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали билан қўшма ҳисобда ўтказиладиган талабалар контингентини, профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув ва хўжалик ходимлари таркибини аниқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент давлат аграр университети Низомига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалига қабул бўйича тест синовларини юқори савияда ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. 2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

6. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида бакалаврият ва магистратурага қабул бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги тақлифларини Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Давлат комиссиясига Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда олий таълим муассасалари бакалаврият ва магистратурага қабул қилиш тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда маъзур қарорда белгиланган умумий қабул квоталари доирасида қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга руҳбат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2003/2004 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага ҳамда махсус сиртки бўлимларга белгиланган қабул квоталарини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1995 йил 3 июндаги 211-сон қарори 1-бандининг Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультетига айлантириш тўғрисидаги қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Маъзур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.С.Кароматов зиммасига қўллансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил, 14 июн

НУР БОРКИ, ҲАЁТ БОР

Чироқ лип этиб ўчиб қолса, ишлаётган дастгоҳ, авжига чиққан концерт, томоша тўхтаб қолса, электр тоқининг қадри билинади, безовталик бошланади.

Шу лаҳзалардагина унинг турмушимиздаги бебаҳо аҳамиятини тушунгандек бўламиз. Аммо кечаяқ кундуз ҳужасизларча ёндириб қўйилган чироқлар эрталабгача ўчирилмаслиги, энергияни тежаш маданияти ҳамма жойда ҳам бирдек юксак эмаслиги кишини ранжитади, албатта. Бир киловатт электр энергиясини яратиш учун республикамизда 372,47 грамм ёнилғи сарфланишини, шунча тежаб қолинган электр энергияси эса 120 килограмм нон маҳсулотлари, 30 килограмм қанд, 1 погонметр мато, 40 килограмм кўмир ишлаб чиқариш имконини беришини билганимизда, шундай нодир бойликни беҳуда исроф қилаётганимизни тушунармик, балки.

Куйида биз сирдарёлик нурчиларнинг ҳозирги осон бўлмаган бозор шароитида амалга ошираётган ишлари, мавжуд муаммолар ечимини йўлидаги изланишлари, истиқболли режалари хусусида қисқача фикр юритмоқликни лозим топдик.

1964 йилнинг феврал ойида Сирдарё вилоят электр тармоқлари корхонаси ташкил этилди. Йиллар ўтиб, бу корхонанинг имкониятлари кенгайди, янги-янги подстанциялар, тармоқлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўплаб ишлаб чиқариш муассасалари, завод-фабрикаларнинг вужудга келиши электр қувватига бўлган эҳтиёжни ошириб юборди.

(Давоми 3-бетда)

ТААССУФ

Соҳибқирон бобомиз **Амир Темур:** «Бой мамлакатнинг асқари қувватли бўлур, асқари қувватли мамлакат қудратли бўлур», деган эдилар.

Қадрини йўқотмаган хикматнинг бугунги моҳияти ҳам давлатнинг газнаси тўлиб турса мамлакат обод, қудратли, элу улус фаровон бўлади, деган оддий тушунчадан иборат. Газна эса йиғилмаган солиқлардан ташкил топади. Даромадни яширмастик, белгиланган солиқ тўловлари

БОҚИМАНДА

ринини ўз муддатида, оғринмай адо этиш ҳар бир фуқароннинг, ҳар бир меҳнат жамоасининг шарафли бурчиға айлансагина, кўзланган мақсадга эришилади. Бирок, бизда ана шу бурчини тўри англаб етмаётган фуқаролар, тadbirkorлар, корхона раҳбарлари учраб турибдики, уларга нисбатан ҳақли тарзда «боқиманда», деган тавсифини ишлатишимиз ўринлидир.

(Давоми 2-бетда)

АРҒУМОҚЛАР ФАРЁДИ

«Шоберди ака отини салкам 7 миллионга сотибди». Бу гап Бойсунда тилдан-тилга кўчди. Битта отини «Нексия»га алмаштирмаган, - дейди бошқа биров. Отнинг обрўйи ҳамма билан бўлган. **Ф.Алиёвнинг айтишича, илгарилари Бойсуннинг отига англияликлар харидор бўлишган. Сурхондарё отлари дунё майдонини йўртган. «Алломиш»даги Бойчибор ҳам Бойсуннинг оти эди.**

«Деновнинг «Ҳазорбоғ»идаги оромгоҳга бордим, - дейди оддий ишчи Бобомурод Жумаев. - Шу ерга қимиз олиб келишим. Роҳатихон эди. Ҳозир отнинг қимизини топиш амри маҳол.

Шундай пайтда ўйга толасиз. Бойчибордай тулпорлар қани? Хорижликлар «ошиқ» деган отлар бўлган отлар қайси? Ийлик-ахволи қандай?

Вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси маълумотига кўра, 1999 йили Сурхондарё вилояти хўжалиқларида 3500 та от бўлган, 2000 йилда отлар сони 3300 тага тушган. Бу кўрсаткич йил сайин камайиб бормоқда. Ҳозир вилоят хўжалиқларида 3106 бош от мавжуд. Ўтган бир йил ичида 682 та от қизим қилинган. 2002 йилдан 2003 йилгача отлар сони яна 246 тага камайди.

Хўш, бу дилни оғритувчи рақамларнинг қалитини қаердан излаймиз? Бу борада баҳоналар, ваъдалар, сабаблар жуда кўп. Улар ҳақида узоқ гапириб бўлмайди. Кимдир хўжалиқларнинг иқтисодий қийин аҳволини рўқач қилиб кўрсатса, кимдир от боқилишини мушкуллиги ҳақида фикр билдиради... Эҳтимол, фактлар тилга кирса, масала бироз ойдинлашар?!

(Давоми 2-бетда)

ҚАДРИЯТ

Азалдан Хоразм воҳасида ҳар бир тўю томоша, халқ сайиллари, маросим, азалар халфаларсиз ўтмаган. Хўш, шундай катта эътиборга эга бўлган халфалар қим ўзи?

Қадимда Хоразмда аёл ашулчилар соҳанда ва раққоса халфа, деб аталса-да, улар фақат шу билан чегараланиб қолмай, халфалар олдларини икки пилла, коса ёки кичик ликобчани бир-бирига уриштириб, ундан чиққан овозда жўр бўлиб қўшиқ

ХОНҚАЛИК ХАЛФАЛАР

қуйлаганлар. XX аср бошларида русларнинг гармон мусиқа асбоби Хоразмда ҳам оммалаша бошлаган, халфалар ундан фойдалана бошлашган.

(Давоми 4-бетда)

САМАРҚАНД САФАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонда) **Хар гал Жомбойдан ўтганда руҳи покни эслаб ўтандиган бир зоти мушарраф инсон бор. Бу гал ҳам уни эсладим, олижаноблигини, юртим, элим деб яшаган инсон эканлигини, халқи йўлида ҳеч нарвасини аяманган бағрикенг, серсахват эъли бўлганини эслаб, невараларимга айтиб бердим.**

Бу - Сидқий-Ажзий деган ақоиб шoir, маърифатпарвар уламо. У жадид бўлган, нафақат форс ва араб тилларини, балки рус тилини ҳам мукаммал билган, биринчи марта Н.В.Гоголнинг «Шинел» күүссасини 20-йилларда ўзбек тилига таржима қилган, илм-фанни тарғиб қилиб мақолалар ёзган. Энг муҳими шундаки, у фақат илмга, маърифатга даъват қилиш билан чекланган эмас. Ҳаётининг ҳар ҳақида, бори-бори, туғилган қишлоғида **САЁҲАТНОМА** будини хархлаб, икки хонали каттагина гиштин мактаб қуриб берган. 15-йиллар чамаси олдин унинг юбилейи ваҳидан профессор Бегали Қосимов билан бирга шoirнинг қишлоғига борган эдик. Шунда ҳам унинг қирғи кетган мактаби турган эди. Бу одамнинг суварти 20-йилларда «Мактаб ва ўқитувчи» журналинда босилган эди. Унинг узун чопон кийган, катта салла ўраган, дамалоқ гардишли кўзойнақ таққан сиймосини кўрган одам дабурустан бирон бир эскинароқ дин арбоби, деб ўйлаши мумкин. Ҳолбуки, у ўз даврининг энг илғор фикрли одамларидан бири бўлган, ватанга ватан ҳақида гап сотиш билан эмас, жиндай бўлса-да, амалий иш билан хизмат қилишни афзал кўрган инсон эди.

(Давоми 4-бетда)

БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

ТУПРОҚДАГИ ОМОНАТ

Муқаддас китобларда биронинг омонатига хиёнат қилмаслик ҳақида кўп ва кўп гапирилган. Афсуски, айримларнинг ақлидан нафси устун келиб, омонатга хиёнат қилганликларини ҳақида ҳам эшитганимиз. Яқинда онам айтиб берган ҳаётий воқеа мени бениҳоя тўқиндирди.

Онамнинг оталари - Мўмин бобом исми-жисмига монанд мўмин ўзига тўқ киши бўлган, - дея гап бошлади онам. - Шу боис кўп вақтларнинг, бечораси камбағалларнинг бошини силган. Бир бурда нонини, ширин сўзини аямаган. Хали уруш асоратлари кетмаган 1950-йилларда қозоқ миллатига мансуб ўрта ёшлардаги эр-хотин ва унинг 12 ёшли ўғли бобомни келишди.

-Отахон, сизни саҳий одам деб эшитдик. Бизнинг юртимизда очарчилик бошланди. Шунинг учун Нурота томонга ишлагани кетаяпти. Углимизни сизникида қолдирсак, чунки у касал бўлиб қолди, йўл юришга мадори йўқ. Уч-тўрт ойдан кейин қайтишда олиб кетамиз, - дейишди улар.

Хуллас, раҳимдил Мўмин бобом ўша болакайни олиб қолди, ота-онаси эса ризқ излаб кетишди. Улар кетган, касалманд болакайни қанчалик тарбиялашмасин, у тузалмайди. Унинг беш кун ўтган, вафот этади. Шунда Мўмин бобом илак (жун ва пахта)ни урчуқда йиғиб тўқилган матодан кафан қозирлаб, боланинг бир ўзини алоҳида жойга дафн этади. Унинг жанозаси ўқилаётганда, Мўмин бобом шундай дейди: -Эй, худоди! Шу бола менга омонат эди. Уни ўзинг баргинга олдинг. Омонатни баргинга саклаётсан!

Ўшанда кўпчилик бобомнинг бундай илтижоси сабабини тушунамайдди. Орадан олти ой ўтиб, боланинг ота-онаси келган, илтижонинг асл маънисин, майит қўйлаётганда бобомнинг бу омонат эди, омонатни саклаётгани, деган нола-си бекорга айтилмаганини англаб етдилар.

Шунда боланинг ота-онаси, ўғлимизнинг мурдасини юртимизга олиб кетамиз, дея йиғлаб-сиктаб қабрини очига киришадилар. Қишлоқ ахлининг Мўмин бободан бошқа ҳаммаси бу ишга қарши туради.

-Мурдага азоб берманглар. Ахир дафн этилганидан буён олти ой ўтди, - дейишди улар.

Хуллас, ота-она қистови билан қабр очилди. Не кўз билан кўрсинларки, қабрдаги майит худди ўзгариб қолган эди. На эти, на сувги бўзилган. Хатто, устига кафан қилиб ўралган мато ҳам сарғаймаган.

-Кўрдингларми, Яратганининг қудрати шунчалик, - дейди Мўмин бобо йиғилганларга, - мен майитни дафн қилаётганда омонат деган эдим. Омонатга хатто тупроқ ҳам хиёнат қилмайди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

ТИЛЛА ТИШ ТАШВИШИ

Никоҳ тўйи арафасида Шахнозанинг "Тилла тиш қўйдири беринг" деган шартидан Азимжон боши қотган. Тўй жавоби учун борган ота-онанинг боши қотган. "Шартмикан, энди шу", дея асабийлашади қариялар. "Илож қанча! Қирғиқа чидадик, қирқ бирга ҳам чидаймиз-да, энди", дейишди маслаҳат чоғида кўёвнинг ота-онаси.

Азимжон биларди: тўйга дея йиғилган пул "енгил"лашиб қолган. Шу боис у тилла тиш ҳақидаги шартга қарши чиқмоқчи ҳам бўлди. Аммо отаси ўғлини ниятидан қайтарди. "Эрта-индин тўй қиламиз, деб турганда жанжал қилиш ярамайди. Тўртта тилла тиш қўйдири берган билан мол-дунёмиз қаммайиб қолмас. Баракани Оллоҳнинг ўзи берсин, ўғлим", деди отахон.

Шерназар ота кўп ўйлаб ўтирмади. Давлатманд кўшниси Тожмурод "миллионер"нинг олдида қарз сўраб борди. "Ўлга" ўз оғби билан келганидан қувонган Тожмурод бирдан жиддий қиёфага кирди-да: "Тўй учун экан, йўқ дея олмайман. Аммо озгина "пеняси" бўлади, шунга қўйналмасангиз бўлди", деди.

Отахон рози бўлди. Тиш қўйилди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Бирок Шерназар ота берган сўзи устидан чиқолмади. Тўятдан кампирнинг қон босими кўтарилиб, ётиб қолди. Уни касалхонага жўнатишга тўғри келди. Чиким кўпайди. Қойқа учун пул... овқатга... дори-дармонга пул... Қўлга қараб термулиб турадиган дўхтирларнинг ҳам кўнглини олиш керак. Бу ёқда Тожмурод "миллионер"нинг ўғли қарзни сўраб қунора келди. "Зарур, мен ўқишга кирмоқчиман", дейди. Бу-сиз ҳам қистови ўзида бўлган отахоннинг дарди ичиди. Бошқа қарзлар ҳам оз эмас-да, ахир! Аммо кампирга, фарзандларига сездирмаслик учун уларга кўнгли беради, овутади... Шахноза пушаймонда. "Соғ тилларим турганда тилла тиш не зарур эди", дея қўзларига ёш олади, ноғурин шарт қўйгани учун қийналди...

Алданган соддалик, бейғойда изтироблар, кенчкан пушаймон...

Ахмаджон РАХИМОВ

"ЖАРҚЎРҒОНГА БОРАМИЗ..."

Рустамжон рус қизи Ларисага уйланди. Ҳаётлари яхши. Икки ўғил, икки қизи бор. Лариса асли Саратовдан. Отаси, онаси, укалари ўша ёқда. 2-3 йилда бир марта "қидириб" боришади. Ававаллари болалари ёш эди. Олиб кетишарди. Таътил тугаб кетса ҳам Ларисанинг Жарқўрғонга қайтиси келмасди.

-Сиз кетаверинг, мен ўзим бораман Жарқўрғонга... - дерди.

Рустамжон ноилоҳ ўзи келарди. Анчадан сўнг телефонда зорланавериб, Ларисани зўрга чақириб оларди. Ҳозир эса яхши. Болаларни бобосининг уйига қолдириб кетади. Бир томондан болалар хоҳлашмасди, бир томондан йўл хақи ҳам... Иккови кетишди: Саратовга болаларнинг сўзлари туширилган видеокассетани олиб кетишди. "Саратовдаги болаларига, молларига қўрсатмасди", дейди. Боришади. Хафта ўтмайди. "Видео"ни қўриб Лариса кўзига ёш олади. Болаларни соғинади. Кўнгли алағда. Бир марта русчалаб айтса, тўрт марта ўзбекча гапирди:

-Рустамжон, Жарқўрғонга борамиз. Болалар... болалар... нима бўлди?!

Тезда Жарқўрғонга қайтишди. Ҳар сафар Лариса ва Рустамжон Саратовга жўнаётганда болалар Жарқўрғонда қолади. Ахир, йўл узок, йўл оғир...

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

"МЕНГА САВОБ КЕРАК"

Қамбар ота кўп савобтолаб одам-да. Унинг тўй-маъракаларда самовар қайнатиб, уй эгаларидан пул олмаслиги ёки кўнглидан чиқарганларга рози бўлишига қишлоқдагилар ўрганиб қолишган.

Баъзи бирояв у ҳақида "шунча қайишчи меҳнат қилгани билан болаёв кетгани йўқ-ку, хонадонига барака ёғилмапти-ку" деган гапларни айтиб қолишарди.

Яқинда шу отахоннинг 80 йиллик қўтлуғ тўйи нишонланди. Уни табриқлаш учун келган одамларни буй қўрсангиз эди. Тантана охирида саксондан сакраган мўйсайдиди шу гапларни айтиб ҳаммамнинг кўзига ёш келтирди. "Умр бўйи эл хизматига бўлдим. Тўғри, ортиқча мол-дунё орттирилмадим, кўша-қўша машина ҳам минганим йўқ. Лекин шунчалик хурматга сазовор бўлганимдан, халқимизнинг яшилгани унутмаслигимдан бугун бошим осмонда".

Даровек, Қамбар отанинг тўққиз нафар фарзанди, элликка яқин наваралари бор. Ҳаммаларнинг оилалари тинч, турмушлари ҳавас қилгулиқ. Мана шунинг ўзи Қамбар отага энг олиқ муқофот эмасмики?

Жаҳонгир ХОЛИҚОВ

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда рейд ўтказиб Бухоро вилояти Олот туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари эътиборини "Хўжадавлат" темир йўл маскани томонидан келатиб, носозлиги туфайли тўхтаб қолган автомашиналарни тортиди.

Солиқчиларнинг шубҳаланишлари бежиз эмас экан. Давлат рақами 20С 3941 бўлган "Москвич" русумли автомашина кўздан кечирилганида, унинг юкқонаси ва салонидан умумий қиймати 1 миллион 548 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари чиқди.

Акция марказис, чет элда ишлаб чиқарилган бу сигареталар "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги худудида яшовчи Гофур Назаровга тегишли бўлиб, сохта "тадбиркор" конунга эид зарда мўмай даромад қилмоқчи бўлган экан.

Табиийки, ушбу конунбузарлик ҳолати юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Суд фуқаро Гофур Назаровга ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат ҳисобига ундириб бориш шарти билан уч йил муддатга ахлоқ туза-

ҚОНУНБУЗАРЛАР ЙЎЛГА ТЎСИҚ

тиш жазоси тайинлади. Қинғир йўл билан пул топиш усули шу тариха Ф.Назаровга қимматга тушди.

-Республика Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худуди-га товарлар олиб келинишини тар-

тиш жазоси тайинлади. Қинғир йўл билан пул топиш усули шу тариха Ф.Назаровга қимматга тушди.

-Республика Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худуди-га товарлар олиб келинишини тар-

ҚАРОР ВА ИЖРО

тиш жазоси тайинлади. Қинғир йўл билан пул топиш усули шу тариха Ф.Назаровга қимматга тушди.

-Республика Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худуди-га товарлар олиб келинишини тар-

ҚАРОР ВА ИЖРО

тиш жазоси тайинлади. Қинғир йўл билан пул топиш усули шу тариха Ф.Назаровга қимматга тушди.

-Республика Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худуди-га товарлар олиб келинишини тар-

тиш жазоси тайинлади. Қинғир йўл билан пул топиш усули шу тариха Ф.Назаровга қимматга тушди.

-Республика Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худуди-га товарлар олиб келинишини тар-

ҚАРОР ВА ИЖРО

тиш жазоси тайинлади. Қинғир йўл билан пул топиш усули шу тариха Ф.Назаровга қимматга тушди.

-Республика Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худуди-га товарлар олиб келинишини тар-

БОҚИМАНДА

(Боши 1-бетда)

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "боқиманда" сўзига "қолдиқ қарз, ундирилмаган солиқ" дея изоҳ берилди. Демак, таърифда янглишма-ямиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда чиқарилган "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валюта оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 415-сонли Қарори ижроси бўйича фаолият кўрсатаётган туман прокуратуралари ҳузуридаги солиқ ва валюта оид жиноятларга қарши курашиш бўлимлари жойлардаги ҳақиқий аҳолидан хабардор қилмоқда. Маълум бўлмоқдаки, солиқдан бош тортаётганлар ҳамон учраб турибди. Масалан, биргина Каттакўрғон туманида жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида боқиманда қарзларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келаётган 16 та юридик корхона борлиги аниқланган.

Фаолият юритаётган "Бинокор" хиссадорлик жамиятининг қарзи 44615,0 минг сўми ташкил этаркан. "Пахта" заводининг қарзи эса нақд 166484,4 минг сўмга етибди. "АТП-8" (қарзи 5588,0 минг сўм), "Автосарой" (4730,0 минг сўм), "Парранда" (159,6 минг сўм) корхоналари ҳам қарздорлар рўйхатидан жой олишган. Фаолият тўхтаб қолган "Азиз" кичик корхонаси 73,0 минг сўм, "Чинор" хусусий фирмаси 173,0 минг сўм ва "Бобур" фирмаси 527,0 минг сўмлик мутелик гирдоба қолишган. Тома-тома кўл бўлур, дейишди. Улардан ундирилган қарзлар 222350,0 минг сўми ташкил этмоқда. Қолган 8 та юридик шахслардан ҳам қарзларни ундириш чоралари қўрилмоқда.

Мушаккил давлатимиз улғувор режаларни рўёбга чиқариш учун интиляпти. Халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтириш, саломатлигини таъминлаш, кекса аҳолини қадрлаш, ёшларни қамолотга етказиш, ҳарбий қудратни мустаҳкамлаш сингари қатор устувор вазифалар аста-секин амалга оширилмоқда. Бу борада маромнинг бузилмаслиги давлат ҳазинасининг тўлдириб борилиши билан чамбарчас бўлгидир. Энди ўзингиз уйлаб кўринг, биримиз табиий газдан, электр тўқидан фойдаланса, тўловини пайсалга солса, яна биримиз тадбиркорлик билан шуғулланса, даромадимизни яширишга уринса, бошқа биримиз раҳбарлик қилиб турган корхонда солиқ тўловларини вақтида амалга оширишнинг таъминламаса, ёки корхонани банкротга уратиб, тўлов қувватини йўқотса, хуллас, бундай нотантиликлар давом этаверса, охири нима бўлади? Биргина туманда 16 та юридик корхона, юзлаб тадбиркор, минглаб фуқаро боқиманда бўлиб қолди, вилоятда уларнинг сони қанча бўларкин, бутун бошли мамлакатда-чи? Тўловлар миқдорини ҳам тасаввур қилиб қўрайлик! Ахир улар йиғила-йиғила юрт истиқболни билан боғлиқ хайрли ишлар давомийлигига ҳалакат бериши аниқ-ку. Ҳа, шунинг учун ҳам солиқ тўловларини вақтида ҳалол амалга оширмаётганлар билан муросага келиб бўлмайди.

Биз номлари тилга олинган корхоналар раҳбарларининг исми шарифларини ошқора айтишдан тийилдик, андиша қилдик. Қолаверса, "боқиманда" сўзининг таъсир кучи ўзини билган одамнинг дилини қаттиқ оғрийтишни юқорида эслаб ҳам ўтдик. Лекин бозор шароити муносабатлари андишани ҳам, муросяни ҳам билмайди. Нима, қачон, қандай бажарилши лозим бўлса ўшанда ижронга талаб қилади. Номлари аниқ айтилган боқиманда корхоналарнинг раҳбарлари буни талаларида бир ўйлаб, мушоҳада қилиб кўрсалар дуруст бўларди.

Ҳа-я, бу гап сизга бизга, ҳаммамизга бирдай тааллуқли эканини ҳам унутмайлик. Боқиманда деган таърифдан холи бўлайлик.

Ўқтам ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СУВДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН

Гулистонда "Ўзбекистонда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ҳаётичилиги" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. У Марказий Осиёда табиий захираларни бошқаришни тақомиллаштириш бўйича Дастир (NMRP) томонидан ташкил этилди.

Давра суҳбатига сўзга чиққанлар хусусий фермерлар ва жомият идоралари вакиллари билан сувдан фойдаланувчилар ўрта-сиддаги мулоқотда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни ҳамда Ўзбекистонда фермерчиликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашни таъкидланди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ўз фаолиятида суви тақомиллаш, суғориш тармоқларини таъмирлаш ва сувдан фойдалануш тўғрисидаги қарорларни қабул қилган фермерларга ваколатлар бериш масаласи бўйича низоларни қамайтиришга тегишли қўллаб-масалаларни ҳал қилади.

ҚОРАҚЎЛИМИЗ - ЖАҲОН БОЗОРИДА

Шу боис ҳам вилоятда бу махсулотларни тайёрлашга катта эътибор берилаяпти. Яқинда Ўзбекистон Қорақўличилиги ва чўл экологияси илмий-тектириш институтининг вилоят таянч бўлими ҳамкорлигида қимшоғи савдоси ўтказилди. Савдода нархи юқори баҳоланган қорақўл терилар жаҳон бозорига йўл оладиган бўлди. Зеро, бундай терилардан тикилган "қорақўлча" пальто, нимча, телла ва аёллар қалпоғи хориж бозорларида 2 минг АКШ долларига баҳоланапти.

Ташаббусини қўллаб-қувватлаган вилоят ҳокимлиги қимшоғи савдосини хар икки ойда ўтказиб туришни режалаштирди. Бу эса худда-да мавжуд бўлган 503 минг совлиқ ва шу йил эрта баҳорда ўстиришга қолдирилган 402 минг соғлом қўзилар келгусида мўмайгина валюта олиб келиш учун кенг йўл очади.

Вилоятда тармоқда етиштирилаётган жун махсулотидан ҳам унумли фойдаланиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Қонимехда "Қонимехруна" - Ўзбекистон - Тожкистон гилам тўқиш корхонасига асос солинди. Эндиликда бу ерда 200 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда.

Бахтиёр КАРИМОВ, Навоий вилояти.



Айни пайтда Амударёнинг қуйи оқимида Ҳазорасп ва Тўртқўл туманларини бирлаштирувчи катта кўприк қурилиши олиб борилмақда. Ҳозиргача бу улкан ишнинг бешинчи қисми монтаж қилиниб тулганди. Бу ерда «Кўприққурилиш» трестининг барча жамоалари иштирок этмоқдалар.

СУРАТДА: қурувчилар Унгр Жамшитов, Эркин Оразметов ва Илхом Урозов.

Рўзмет ЖУМАНИЁЗОВ (Ўза) олган сураат.

АРҒУМОҚЛАР ФАРЁДИ

104 бозот бор эди. Ҳозир улар сонига 71 бошга тушди. Бир йилда 33 бошга қамайди. Отларнинг чикимига қаранг: 20 бош от бозорда сотилган, 10 бош от бўлиб қолган. 2 бош от иш ҳақида сарфланган, 3 бош от бошқа харажатларга, 1 та от ички харажатларга, 4 бош от бошқа корхона ёки ташкилотга сотилган. Отлар хўжалигининг "юки"ни кўтаролмай, "бели майишиб" адо бўлаётти.

Шу ўринда Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2002 йил 18 февралдаги қарорига тўхталиб ўтиш мумкин. Унда Сароисёев ва Узун туманлари хўжаликларидagi отларни Бойсун туманидаги "Дарбанд" ва "Шўр" йилқиччилик хўжаликларига сотиш ва бунинг учун кредит ажратишга қарор қилинганди. Сароисёев ва Узун туманлари билан чегарадош туманлар. Отлардан фойдаланиш туфайли товар маҳсулотлари четга чиқиб кетаяпти. Чегара туманларида от қанча кам бўлса, шунча яхши, деган фикр пайдо бўлган. Қарор шундан келиб чиққан эди. Аммо қарорда отлар сонини қамайтириш ҳақида гап йўқ. Айрим туманлар ва хўжаликлар уни ўзларича талқин қилишди. Натижанда йиллар оша йилқиччилик хўжаликларининг суръати ошиб борди. Бойсун туманидаги "Дарбанд" хўжалиги раиси Рустам Мажидовнинг айтишича, у қарор ҳақида эшитган, лекин уни қурмаган, Сароисёев ва Узун туманларидан от сотиб олиш учун кредит ҳам ажратилмади. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорат қилинмади.

Яна бир қанча муволазаларни ҳам айтиш керак. Амвало йилқиччиликнинг ер-хашак базаси хусусида икки оғиз. Чорвачиликнинг "жон томири" ҳам шунда. От нозик ҳайвон. У асосан

арпа ва беда эйти. Ҳозирги пайтда беда ва арпа хатто отликка топилмайдди. Нега? 1999 йили вилоятда 9174 гектар эски бедазор бор эди. 2002 йилга келиб 3000 гектарга тушиб қолди. Ўтган йили 3000 гектарга беда экиш режалаштирилганди. Бор-йўғи 782 гектарга экилди, холос. "Отлар кўпайтирилсин!" деб мингта буйруғу қарор чиқса-да, ер-хашак базаси бўлмагач... отлар қамаяверди... камаяверди.

Яна бир гап. Йилқиччиликдан хўжаликлар иқтисодий манфаат кўраётти-ми? Бу саволга жавоб излаш вақти етди. Хўжалик раиси бирор марта от миниб дала айланадими? Йўқ. У машинадан тушмайди. Ким от миниб ҳахга боради? Ҳеч ким. Самолёт тайёр. Отнинг гўшти-чи? Сурхондарёда кўй ёки мол турган ерда ҳеч ким от гўштини олмайди. Кўпқари-чи? Жуда кам. Ҳаётда ниммага эҳтиж бўлмаса, талаб бўлмаса, у таназзулга маҳкум. На илож, цивилизация! Отлар бажарадиган ўнлаб ишларни техника қилапти.

Назаримда, йилқиччиликда ҳам ислохот жорий этиш даркор. Кимдир салкам 7 миллион сўмга от сотиб оляпти-ку! Техника юрломлидиган тоси қишлоқлари учун от транспорт воситаси эмасми? Ички ишлар ходимлари, ҳарбий хизматчилар яхши отлардан фойдаланишга яхши-ку! Сурхондарёнинг ўзида қанча сиҳаттоҳлар бор. Нега беморларни отнинг қиммати билан ҳам даволаш йўлга қўйилмаган? Ахир унинг шифобахшлиги қадимдан маълум. Ўнлаб касалликлар қимиз билан даволанган. Шунингдек, наслдор, муъжизакор отларни хорижликлар жон деб сотиб олишади. Яна... фермерлик ривожланиши билан отга эҳтиж ошади. Чунки асфальт йўлда "Нексия" да юриб, экиннинг "дардини" билиб бўлмайди. От билан дала кезишни ҳаётнинг ўзи тақозо этади... Демак, от жуда керак! Назаримда, отлар сонини сақлаб қолган ҳолда, иқтисослашган йилқиччилик хўжаликларини таркибидан отларни кўпайтириш тадбирларини кўрмоқ эйтим.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирида Вазирилари Маҳкамасининг шу йил 22 январдаги қарорига мувофиқ 177 қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжалигига айлантириш борашидаги ишларнинг аҳолига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда алоқадор вазирик, қўмига, компания, уюшма ва муассасалар раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, айрим туман ҳокимлари, йирик ширкат ва фермер хўжаликларини бошқариш иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда мамлакатимиз аграр соҳасида хўжалик юриштининг қулай шакли - фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги, фермер хўжаликларининг ақсарияти иқтисодиётимизга юксалишига катта улуш қўшаётгани таъкидланди. Қосон, Нишон, Зомин, Ш.Рашидов, Ёзёнов каби туманлардаги хўжаликлар ҳозирдаёқ тўлиқ деҳқон ва фермер хўжаликларига айлантирилди.

Йиғилишда ҳуқуқат қарори ижросини таъминлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилганлиги қайд этилиши билан бирга, мутасадди идоралар раҳбарлари, айрим туман ҳокимлари, мутахассислар зарур қўриб ишланган, рентабеллиги паст хўжаликларнинг фермер хўжаликларига айлантириш масаласида сусткашликка, маъсулликсизликка йўл қўйганлиги жиддий эътибор қаратилди.

Бу борадаги ишларнинг тақлили шунки қўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича тузилган худудий комиссиялар ўз вазифасига жиддий қарамаётгани туфайли ақсарият ишлар ўлда-қўлда қолмоқда. Жумладан, Оқ олтин туманидаги Сиддиқов номидаги ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси маъжуд 47 объектдан 16 тасини қўришга ботиттаси сотилган бўлса-да, пули ханузгача келиб тушмаган.

Айни вақтда барча жойда ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг аҳамиятини кенг тушунириш ишлари тўғри ташкил этилган, деб бўлмайди. Ерларни тендерга қўйиш бора-сида ҳам қамчиликлар мавжуд. Шунингдек, фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамини очиш, бунинг учун минибанклар ташкил этишга эътиборни қўйишга зарур.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев иштирок этди.

Олим НОРБЕКОВ, Ўза мухбири.

Боши 1-бетда

Шу тўғрисида 12 та туман электр тармоқлари, 24 та хизмат ва бўлимлар пайдо бўлиб, улардаги ходимлар сони 1200 тага етди. Корхонанинг эксплуатация ҳақида 2 та система ташкил этувчи 220/110/10 киловольтли подстанция, умумий узунлиги 292,2 километр бўлган 220-

билан унинг электр таъминоти учун 6,2 километрли 10 киловольтли хаво тармоғи қурилиши мўлжалланиб, 45 миллион сўмлик лойиҳа ҳужжатлари тузилган. Келгусида Гулистон туманидаги "Истиқлол", Ш.Рашидов туманидаги "Бўстон" ҳўжалиқларида Ички ишлар вазирлиги тизимига қарашли муҳим

(17999,2 минг сўм), Олий ва ўрта махсус таълим тизими (20157,2 минг сўм), қурилиш корхоналари (41152,8 минг сўм)ни қиритиш мумкин. Қарзларни ундириш мақсадида Сирдарё электр тармоқлари ОАЖ томонидан 2002 йил давомида вилоят ҳўжалиқ судига 83 та (311,446548 сўмга) даъво аризалари қиритилди ва улар қаноатлантирилиб, ҳозирда ажримлар ижроси чора-тадбирлари кўрилмақда. 2003 йилнинг 5 ойи давомида эса 28 та корхонага нисбатан даъво аризалари қиритилди.

Аҳолидаги қарзларни ундириш мақсадида ўз ходимларимиз баъзан асосий ишларни қолдиришиб, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юришларига тўғри келмақда. Энергия сотиш бўлими ходимлари томонидан 8176 та назорат рейдлари ўтказилиб, энергияни талон-торож қилаётган истеъмолчилар аниқланмақда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 254 истеъмолчи хонадонларида ноқонуний фойдала-

роф ака Усмонов шу тармоқда 37 йилдан бери ишлаб келаяпти. Тошкентдаги электромеханика техникумини битиргандан сўнг, 1966 йилдан буён энергия назоратчиси, электромонтёр, участка бошлиғи, туман электр тармоқлари бошлиғи, энергия сотиш бўлими, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи вазифаларида самарали ишлади. Айни пайтда бош муҳандис вазифасида фаолият кўрсатаяпти. Ешлар Шароф акадан доимо маслаҳат оладилар.

-Бизнинг вазифамиз "Магистрал электр тармоқлари"дан энергияни олиб, электр истеъмолчиларига етказиш, - дейди Шароф ака Усмонов. - Бунинг учун электр тармоқлари, подстанциялар ҳамма сози бўлиши лозим. Диспетчерлик пунктида вилоятдаги тармоқлардан ким қанча электр энергияси олаётган, ким уланган, ким узиб қўйилган - қафдек кўришиб турибди. Шунинг учун биз вақти-вақти билан подстанцияларни таъмирлаймиш, керак бўлганда қўшимча тармоқлар



Шароф ака Усмонов шу тармоқда 37 йилдан бери ишлаб келаяпти.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ - ШИЖОАТГА ДАЪВАТ

Акциядорлик жамиятида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига жиддий ёндашилади. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 75610 сўми ташкил этади.

Бугунги кунда жамиятда 770 киши истеъмолчиларга техник хизмат кўрсатмақда. 2003 йилги жамоа шартномаси айнан уларнинг манфаатларини кўзлаб тузилган.

Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ҳар бири касаб ва касбага ушшоқлик ишонч ва умид кўзи бил-

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ҲАЗОДАН ИСРОИЛ ҚЎШИНЛАРИ ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Фаластин хавфсизлик масалалари бўйича вазир Муҳаммад Доҳлан ва Исроил генерали Амос Гиладлар ўртасида кечган музокаралар ижобий аяқунланди.

Учрашув чоғида туманлар Ҳазо сектори ва Вифлеем шаҳарларидан Исроил аскарларини олиб чиқиш ҳақида фикр алмашганлар. Бироқ бунинг учун Фаластин томонига терроризмга, камикадзеларга қарши курашиш вазифаси юклатилмақда. Франция давлати эса қонли тўқнашуларга чек қўйиш учун Яқин Шарққа тинчликпарвар кучлар жўнатиш борасида Европа Иттифоқи билан музокаралар ўтказишни режалаштирмақда. Франция ташқи ишлар вазир Доминик де Вильпеннинг билдиришича, агарда тинчликпарвар кучлар вазиятга ижобий таъсир этса, буни амалга ошириш керак.

МАККА ШАҲРИДА МАХСУС ОПЕРАЦИЯ

"CNN" агентлигининг маълум қилишича, Макка шаҳрида жангарилар ва хавфсизлик хизмати ходимлари ўртасида юз берган тўқнашув вақтида ҳар икки томондан 5 кишидан одам ўлган.

Хабарларга кўра, жангарилар кетаётган машина йўл патрул хизмати томонидан текшириш учун тўхтаётганда, улар буйруққа бўйсунмаганлар. Полиция уларнинг изидан тушганидан кейин, жангарилар қуроли ҳужум уюштирганлар ва мўлжалланган манзилда автомобилни тўхтади, бир уйга яширинишга муваффақ бўлганлар.

Шундан сўнг, хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилган махсус операция вақтида жангариларнинг 5 нафари йўқ қилиниб, 5 нафари ҳибсга олинган. Шунингдек, хавфсизлик ходимларидан ҳам 5 нафари ҳалок бўлган. Текширувлар вақтида жангарилар аширинган уйдан катта миқдорда портловчи моддалар ҳамда ҳибсга олинганларнинг бирдан камикадзелар камари топилган.

НАМОЙИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИТАР-ТАСС агентлигининг хабар беришича, Эрон пойтахтида Техрон университети талабалари томонидан амалга оширилаётган норозилик намойишлари вақтида ҳам улар, ҳам полиция кучлари томонидан 60 нафардан ортиқ киши ҳароғат олган.

Кечаги намойишлар пайтида 5 та банк бинолари, ўнлаб автомобил ва мотоциклларга зарар етказилган. 1999 йил айнан 9 июл куни жангарилар томонидан талабаларга ҳужум уюштирилган эди, шу сабаб намойишчилар ўз ҳаракатларини 9 июлга қадар давом эттиришларни маълум қилган.

Эрондаги намойишларни ижобий баҳолаган АҚШ ҳукумати эса расмий Техрон томонидан танқидга учраган. Эрон ташқи ишлар вазир Камол Харрозийнинг билдиришича, Вашингтон ўзга давлатнинг ички ишига аралашиб, ҳаттоликка йўл қўймақда.

РОҲАТ ҲУСАЙН: ОТАМ ТИРИК

Собiq президент Саиддан Ҳусайннинг қизи Британиянинг "The Times" газетасига интервью бериб, отасининг ҳаёт эканлигига ишонганини билдирди.

36 ёшли Роҳат Ҳусайн ҳозирда на отаси, на акалари Удай ва Қусайил ҳақида бирон бир маълумотга эгалигини, лекин уларнинг тирик эканлигига умид қилишини айтган. Ҳозирда синглизининг оиласи билан оддий бир хонадонда яшаётган Роҳат ўзининг Буюк Британиядан бошлана сўраши ҳақида тарқалган хабарларни рад этди. АҚШнинг ҳалқаро муносабатлар кенгаши олдиде қилқил қилган Ироқ миллий конгресси раҳбари Аҳмад Чалаби ҳам Саиддан Ҳусайннинг қаерда жойлашганига ҳақида ишонарли манбаларга эга эканлигини билдирган. Унинг фикрича, Америка аскарларининг иккита ҳужумидан омон қолган Саиддан Ҳусайн мунтазам равишда турар жойини ўзгартириб турибди.

"МУКЛАС"ГА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

2002 йилнинг 12 октябр куни Индонезиянинг Бали оролида юз берган террор актининг бош ижрочиларидан саналаётган Али Гуфрон устидан кеча Денпасар шаҳрида суд бошланди.

Айблов кўрсатмасида келтирилишича, "Муклас" номи билан ҳам танилган Али Гуфрон 1987 йил Афғонистонда Усама бин Ладен билан учрашганидан сўнг, Таиланд ва Малайзиядаги радикал ислом гуруҳларига қўшилган, сўнграқ Индонезиядаги "Жамоа Исломиа" гуруҳининг етакчиларидан бирига айланган. 2002 йилнинг феврал ойида унинг иштирокида Бангкок, Соло, Рамонган шаҳарларида ўтказилган йиғинларда Бали фоҳеясини амалга ошириш бўйича режа ишлаб чиқилган. Ҳозирда Али Гуфронга ўлим жазоси берилиши кутилмақда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 17 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

Table with 3 columns: Currency, Exchange rate, and Value. Includes entries for Australia dollar, England pound, etc.

* / Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

Тошкент Юридик коллежи томонидан 2002 йил 17 июнда Джумабаева Саодат Собиржоновнага № 971-қайд рақами билан берилган № 025639-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Пискент туманидаги 30-мактаб томонидан 1998 йил 8 июнда Каримова Камола Эркиновнага берилган № 716970-рақамли таъин маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеранный гос.ордер № 08-02/6823 от 6.01.93 г. права собственности Киселева Рамзия Ширязовны на квартиру, считать недействительным.

НУР БОРКИ, ҲАЁТ БОР

500 киловольтли Л-20Д, Л-зарбдор, Л-20Г-1,2, Л-510 лар қиради.

2001 йилнинг 22 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тузилди. "Сирдарёэлектртармоқлари" корхонаси 2 га бўлиниб, Сирдарё магистрал электр тармоқлари ва "Сирдарёэлектртармоқлари" шўба корхонаси ташкил этилди. 35 киловатт ва ундан юқори қувватга эга бўлган электр тармоқлари, подстанциялар Сирдарё МЭТга, тақсимлаш тармоқлари, яъни 0,4-10 киловольтли тармоқлар ва подстанциялар шўба корхона тасарруфига ўтди. Бу тар-

моқлар қурилиши бўйича ҳам тегишли шартномалар режалаштирилган. Улардан тушган маблағлар корхона учун зарур бўлган хом ашёлар, жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфланиб, хом моддий, ҳам иқтисодий салоҳиятни мустақамлаш кўзда тутилган.

Хозирда Гулистон шаҳрида аҳолини ва муҳим объектларни электр энергия билан узвий таъминлаш учун 10-0,4 киловольтли кабел тармоқлари ни хаво тармоқларига ўтказиш ишлари бажарилаётган. 2003-2004 йил куз, қиш мавсумига тайёргарлик бошлаб юборилган.

Боёвут (бошлиғи Б.Р.Қодиров), Сирдарё (бошлиғи З.И.Атаев), Ш.Рашидов (бошлиғи Б.Туратов), Сайхунобод (бошлиғи Э.Дуйсеков), туманлари электр тармоқлари фаолияти хусусида ижобий фикрлар билдириш мумкин. "Обод маҳалла йили" дастурлари бўйича ҳам бу ТЭТларда ободонлаштириш ишлари юқори суратда олиб борилмақда.

ХИЗМАТИ ЯХШИ, ҲАҚИ-ЧИ?

-Бозорга борсангиз қасосиб бир кило гўштни ёки дўкондор арзимаган нарсани насияга бермайди, тўғрими? Лекин электр энергияси-

нишлар аниқланиб, 1651,2 минг сўмлик жарималар солинди.

-Битта юз ваттли чирок туни бўйи дейлик 10 соат хонадонимизни мунаввар қилиб берса, ҳисоблагич кўпи билан 13 сўм ишлаши мумкин, - дейди Сирдарё вилояти "Электр тармоқлари" хиссадорлик жамияти раиси Абдуманноп Қўқоров. - Бу арзонми ё қимматми? Албатта арзон-да! Ҳукуматимиз аҳолига енгил бўлсин деб, 1 киловатт электр энергиясини 13 сўм 10 тиён қилиб қўйган. Бозорда бир стакан сув 25 сўм бўлиб турганда...

Барча жойларда корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари ўзларининг хизматчиларидан коммунал тўловларни ундириб беришда фаоллик кўрсатишмоқда. Лекин шундай раҳбарлар ҳам борки, ўзлари электр энергиясидан қарздор бўлиб турганини қандай изохлаш мумкин. Масалан, Боёвут тумани Носир Махмудов номили ширкат ҳўжалиғи раиси Ю.Сарибоев (26862 сўм), шу тумандаги қурилиш ташкилоти бошлиғи Р.Мирзаев (14714

сўм), Мирзаобод тумани ХДП туман кенгаши раиси К.Мамарасуллов (26862 сўм), "Донар" пахта қабул қилиш манзили бошлиғи К.Мамалатинов (13057 сўм), Мирзаобод туман "Кишлоққим" бошлиғи


қураимиз. Бу йил 98 миллион сўмлик реконструкция ишлари учун маблағ сўрагандик, беришди. Гулистон шаҳридаги ер остидан ўтган кабел тармоқлари ишдан чиққан, таъмирга муҳтож. Ундан ташқари қишга тайёргарлик бўйича 58 миллион сўмлик ишларни бажаришимиз керак.

Гулистон шаҳар электр тармоқлари корхонасидан Абдуназар Исоилов, Сирдарё туманидан Виктор Материн, электр монтери Саттор Зокиров, Гулистон туманидан Абдували Муродуллаев, Боёвут туманидан Исомиддин Йўлдошевлардан жамоа аъзолари, қолаверса, истеъмолчилар ҳамма мамнун. Улар ўзларига ишониб топширилган вазифани бекум кўст бажариш билан бирга ёшларга устозлик ҳам қилишгаётир.

Корхонада ҳар ойнинг иккинчи сешанбасида "Хавфсизлик техникаси кўни" ўтказилади. Шу кунини инженер техник ходимлар туманларга бориб жадвал бўйи-

да техник хавфсизлик, ҳимоя воситалари, ёнгин хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари ўтказиладилар. Шунингдек, йилда бир марта "Хавфсизлик техникаси ойлиғи" бўлади. Унда касб маҳорати бўйича кўрик-танлов ўтказилади, фаол иштирокчилар рағбатлантирилади. Бу йилги кўрик-танлов Оқ олтин тумани электр тармоқларида бўлиб ўтади. Шу тўғрисида йиллар кайта таъмирланиб, машғулотларга қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

-Бу машғулотларда тезкор ҳаракатдаги бригада тоқ ўчган жойларда чирокни ёндириб келаваради. Кейин марказлашган бригада бориб таъмирлайди. Тез тиббий ёрдам кўрсатади, симёғочдаги чирокни қандай ўчириш, сунъий қиска туташув ҳосил қилиш ва шунга ўхшаш тадбирлар бажарилади. Буларнинг ҳаммаси энергетик-



С.Қодиров (11780 сўм), Ширин шаҳар давлат сургурта бўлимининг бошлиғи Р.Абдиев (56000 сўм), Сирдарё туман ҳокими ўринбосари М.Қаримов (25938 сўм), "Шолиқор" ширкат ҳўжалиғи раҳбари К.Тўйчиев (35200 сўм)ларнинг электр энергиясидан шунча қарзи борлиғи ажабланарли ҳолат эмасми?


ФАҲРИЙЛАР ЁШЛАРГА ИБРАТ

Корхонада меҳнат фаҳрийси Зоя Мансуровани ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Зоя Муқаддасовна 42 йилдан бери ҳисобхона тизимида, 20 йилдан ошқ вақт давомида бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келаяпти. Ўтган йиллар давомида ўнлаб шогирдлар етиштирди, уларга ҳисобчиликнинг маъсулиятли томонларини ўргатди. Умр йўлдоши Тельман Мансуров ҳам энергетика соҳасида ҳалол ишлаб ҳозирда қарилик гаштини сураяпти. Ўғли Пенат, қизи Ноила ҳам нурилардан сафида меҳнат қилишяпти.

Бош муҳандис Ша-



С.Қодиров (11780 сўм), Ширин шаҳар давлат сургурта бўлимининг бошлиғи Р.Абдиев (56000 сўм), Сирдарё туман ҳокими ўринбосари М.Қаримов (25938 сўм), "Шолиқор" ширкат ҳўжалиғи раҳбари К.Тўйчиев (35200 сўм)ларнинг электр энергиясидан шунча қарзи борлиғи ажабланарли ҳолат эмасми?



моқлар зиммасига ишлаб чиқариш ва ҳалқ ҳўжалиғи истеъмолчиларининг электр таъминоти вазифаси юкланди.

2002 йилнинг октябр ойидан эътиборан шўба корхонаси очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. Хозирги кунда "Сирдарёэлектртармоқлари" ОАЖ балансида 10 киловатт хаво тармоқлари (3985 километр), 0,4 киловольтли ХТ (2761,68 километр) 10-0,4 киловатт кабел тармоғи (161,69 км), 10/0,4 киловаттли подстанциялар (1966 дона) мавжуд бўлиб, улардан фойдаланилиб, вилоят аҳолиси ва муҳим объектлар электр энергия билан мунтазам таъминлаб келинмақда.

Бундан ташқари вилоят маркази ва туманларида ички имкониятлардан кенг фойдаланилган ҳолда йилга 2-3 тадан трансформатор пунктлари, 5-6 қақирим масофада 0,4-10 киловольтли тармоқлар қурилмақда. 2002 йил мобайнида Ховос ва Гулистон туманларидаги ширкат ҳўжалиқларида сув танқислигининг олдини олиш мақсадида қўшимча трансформаторлар ўрнатилиб, бир талай имкониятлар яратилди. 45 миллион сўм ҳақида капитал таъмирлаш ишлари бажарилади.

Энергетиклар кўплаб хайрли ишларга ҳам ҳомийлик қилмақда. Улар "Гулистон" футбол жамоаси ўйингоҳини оталиққа олишган. Ўтган йили Таъзабанд уюшмасига 3 миллион сўм маблағ ўтказишди, хайрия жағмармаларига эса 2 миллион 742 минг сўм, спорт тадбирларига 3 миллион 250 минг сўм сарфланди. Бу йилнинг ўтган даврида эса ана шундай мақсадларга 726 минг сўм ўтказилди.

Айни пайтда Сирдарё тумани Бахт шаҳридаги касб-ҳўнар коллежи, Сайхунобод тумани "Пахтакор" ширкатлар уюшмасидаги умумтаъ-



дан истаганча фойдаланишди-ку, тўловига келганда пайсалга солишди, - дейди жамият бошқаруви раисининг энергия сотиш бўйича муовини Хазраткул Муротов. - Ходимларимиз томонидан қарзларни ундириш чора-тадбирлари қурилатган бўлса-да, ҳалиям дебиторлик суммаси юқориликка қоляпти. Сотган энергия пули бюджетга тушиши, шу маблағдан нафақалар, ўқитувчи, шифокорлар ва бошқа давлат ташкилотлари хизматчилари маошларига сарфланганини тушунамаслик мумкинми? Баъзи жойларда маошнинг вақтида берилмаётгани шунга ҳам боғлиқ-ку! Истеъмолчилар ўзларига ўзлари муаммо яратишяпти.

Вилоят бўйича 2003 йил 1 май ҳолатига кўра умумий дебиторлик қарзлари 2969866,7 минг сўмни ташкил этади. Унинг 2250528,8 минг сўми вилоят ташкилотларининг, 419337,9 минг сўми эса аҳолининг гарданига тўғри келади. Бўйингача қарздор истеъмолчиларга фермер ҳўжалиқлари (118566,7 минг сўм), ширкат уюмалари (450,0 миллион сўм), ундан ташқари Деҳқонobod сув иншоотлари корхонаси (242637,5 минг сўм), вилоят "Сувокова" корхонасининг тармоқлари (120363,5 минг сўм), вилоят пахта санаоти бирлашмаси тизими (113760,5 минг сўм), вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизими

Боши 1-бетда

Шу тариқа пешинда Самарқандга етиб бордик. Дорилфунуннинг салкам минг киши сингадиган мушташ залидан адабиёт, шеърятнинг муаттар хиди туркираб анкиб турарди. Бу бежиз эмас эди, чунки Алишер Навоий номидagi Самарқанд дорилфунун хамиша адабиётга, шеърятга, санъатга, нафосат ва ўзгалликка яқин бўлган. Бундан ташқари, бу залда май ойининг бошларида ўзбекнинг улғу шоири Фахриддин Ғафур Ғулум таваллудининг юз йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтганди. Залда хали ҳам бу улғу инсоннинг руҳи кезиб юргандай туюларди.

синчиклаб ўкиб чиққан экан, унинг тўғрисида батафсил гапирдик. Сўнг Душан Ғайзи, аспирантлар, талабалар сўзлади. Тошкентлик меҳмонлар Абдуғафур Расулов, Мирғоли Мирзаев, Махмуд Сатторовлар ҳам гурунги роса киздиридилар. Табиийки, гап, асосан, мустиқиллик йилларидаги ҳаётимиз тўғрисида, уни бошқаришда фидойиллик ва шижоат намуналарини кўрсатган Президентлар.

рат. Садриддин Айний каби буюк арбоблар бор, Шароф Рашидов ва Хамид Олимжонлар шу ердан чиққан. Илмю фаолиятини шу ерда бошлаган Иброҳим Мўминов Тошкентга кўчиб ўтиб, иктомий фанларга қарвонбошлик қилди. Мен бу муҳтарам зот билан неча бор учрашиб бахтига мўъжас бўлгандим. Хозирга қадар бу улғу зотни чуқур ҳурмат билан эсламан. Ахир, ўзингиз ўйланг.

матлардан кўтулди. Лекин домларнинг Амир Темур ҳақидаги ўша рисоласи чиндан-да зулмат ичидаги бир тола нур бўлган эди. Уни эълон қилгани эса барча шоғирдларига, барча зиёлиларга, ўз халқига фидойиллик билан хизмат қилишининг, илмий ҳасоратнинг, олимнинг ҳалоллиги ва виждонига садоқатининг сўнмас сабоғи бўлганди. Тақдирот маросими давом

ти, Чоқар, Мутриб каби шоирлар ҳақида домларнинг илмий мақолаларидан маълумот топгандик. Кейин домларнинг ўзбек адабиёти тарихидан ёзган дарслик талабаларининг мушқулчини осон қилди. Бу китоб ҳозир ҳам хизмат қилишда давом этмоқда. Воҳид Абдулла кўп йиллар мобайнида кафедра мудирини ва университет ректорини бўлди, у ўзини дунёдаги шоғирдлар қолдирди. Домла уларни суйиб "тулпорларим" деб атарди ва уларнинг илмий фаолиятини синчиклаб кузатиб борарди.



миз Ислам Каримовнинг кўп қиррали фаолияти ҳақида кетди. Мен бу гапларни тинглаб ўтирар эканман, ҳаёлимдан яна бир бор Президентнинг маънавият бобида, олий таълимни янги изларга солиб юбориш бобидаги гамхўрликлари ва ташаббуслари тўғрисида ўйладим. Шу жумладан, Самарқанд дорилфунун тўғрисидаги ўйлар ҳам ҳаёлимни банд этди. Тўғри, бу дорилфунун 30-йилларда ташқил топган эди, лекин шундай бўлса-да, янги ўзбек илми ва янги ўзбек маданиятини шакллантиришда, халқ кўчаларига малакали етук кадрлар етказиб беришда жуда катта рол ўйнади. Дорилфунунни йўлга қўйиб олган ва оёққа тургазан одамлар орасида Фит

– у йирк мансаб эгаси бўлишига қарамай, илмда ҳўмрон мафкурага маъқул қўймайдиган ҳақиқатларни айтса, бошига қора кўнлар ёғилишини жуда яхши билган ҳолда илмнинг хамма соҳаларида коммунистик мафкура дағдағалари авж пардага кўтарилган бир шариотда "Биродарлар, инсоф қилинглар, ахир Соҳибқирон Амир Темурнинг ижобий томонлари ҳам бор-ку, нега ундан кўз юммоқ керак!" дея хайқириб чиққан эди. Албатта, у қаттиқ буржумлар остида қолди, қатогон буржумларига дуч келди, ҳатто Шароф Рашидов ҳам ўз устозини химоя қилишга ожизлик қилиб қолди. Домла у дунёга ричлаб қилиш билангина таънадашномлардан, тахирли малол

этноқда – минбарда нотиклар бири кетидан бири жўшиб-жўшиб гапирмоқда. Мен эса дорилфунуннинг буюк одамлари ҳақида ўйлашни давом эттирдим. Шундай одамлардан яна бири Воҳид Абдулла эди. У адабиёт оламига 30-йилларнинг бошида "Хайричқа" деган шеърини дostonча билан кириб келган эди. Шундан кейин салкам эллик йил мобайнида самарали меҳнат қилиб, ўзбек адабиётшуносларининг пешволаридан бирига айланди. 40-йилларнинг иккинчи ярмида хали ўзбек адабиётидан на мактаблар, на олий ўқув юрталари учун дарсликлар йўқ бўлган, материаллар топилаётган шариотда мен 1917-1920 йиллардаги Хоразм адабий мух

ТУҲФА
Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар иктомий ҳаракати ҳамкорлигида туманда истиқомат қилаётган болаларнинг учун спорт мажмуаси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Худуди 700 квадрат метр тақриб эътовчи ушбу спорт мажмуаси шўх-шўк-шашка ва спорт залидан иборат.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ
Англия терма жамоаси сардори, "Манчестер Юнайтед" клубининг ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм ўтган ҳафта охирида нишонланган мамлакат кироличиси Елизавета IIнинг тузилган кунини муносабати билан Британия империяси ордени билан тақдирланди.



1996 йил терма жамоа сафига қўшилган Бекхэм 34 йиллик танаффусдан сўнг спортчилар орасида бундай ордени билан мукофотланган биринчи вакил саналган.

СПОРТ ОЛАМИДА
моқда. Бугун эса фарб матбуотида Бекхэмнинг "Манчестер Юнайтед"ни тарқ этиб, Европанинг бошқа клубига ўтиши ҳақида хабарлар тарқалаётган бўлиб, улар орасида Мадриднинг "Реал", Испаниянинг "Барселона" клублари бор. Лекин, Бекхэмнинг ўз жамоасидан кетиши ёки кетмаслиги ҳозирча аниқ эмас.

"СПАРТАК" КУБОК СОҲИБИ
Москванинг "Спартак" клуби ўз тарихида учинчи бор мамлакат кубоғи соҳиб бўлди. Финал ўйинида "Ростов" жамоаси билан куч синашган Олег Романцев шоғирдлари 1:0 ҳисоб билан рақиблари устидан ғалаба қозондилар.

"Ростов" лиқлар дарвозасига ягона тўпни 28-дақиқада "Спартак" сардори Егор Титов йўллади. 1994, 1998 йилларида Россия кубогини қўлга киритган "Спартак" клуби 1996 йил финалга чиқишга муваффақ бўлган эди.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

ХОНҚАЛИК ХАЛФАЛАР

(Боши 1-бетда)
Эндилда халфалик санъатини гормонсиз тасаввур қилиш қийин. Халфалар ижодида турпуман халқ кўшиқлари, достонлар асосий ўрин тутган. Одатда, халфачиликка ихлос бор қизлар ота-она розилиги билан тўю маъракада қатнашишган. Шундан сўнггина устоздан оқ фотиҳа олиб, мустақил фаолият бошлаганлар.

Ўғилжон Оташева, Ёқутжон Сайитниёзова, Шарифа Қозоқова, Сафура Қурбонова, Чаман Юсупова сингари воҳага таниқли халфалар етишиб чиқишган. Улар фақат халқ оғзаки ижодида мусика бастанлаб, куйлаш билан чегараланиб қолмай, тўю маъракаларда кўзга ташланган воқеа-ҳодиса ва айрим кишилар ҳаёти, хатти-ҳаракатини ҳам кўшиққа солиб қуйлаганлар.

Халфалар тўю томошаларда халқ кўшиқлари, ёр-ёр ва лапарлар, достонлар ёқуд Навоий, Машраб, Оғахий, Махтумқули, Мулла Нафас, Камина каби мумтоз шоирлар ижодидан қуйлаган бўлсалар, аза маъракаларда Суфи Оллоёр газаллари, Ясавий хикматлари ҳамда "Боборавшан", "Иброҳим Адхам", "Қулхўжаҳмад" каби диний-маърифий достонларни ўқиган. Бугунги кунда ҳам хонқалик халфалар тарихий аънани давом эттиришмоқда. Селлахон Отажонов, Зулайхо Юсупова, Онабиби Собирова, Шодмоной Болтаева, Шарифа Отажонова, Шуқуржон Собирова, Зулайхо Рўзметова, Фариди Қўчқорова, Нуржон Маърақов, Марамжон Оллабергана сингари халфалар шулар жумласидандир. Улар ўзларининг бетакрор овозлари, қўшиқ ва ёр-ёрлари билан халқимизнинг қўшиқчили санъатини бойитишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Хоразмнинг бугунги тўю-томошалари, турли-туман маросимларни халфаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, Хонқа халфаларсиз воқеа маданиятини бойитиш қийин. Зеро, халфалар халқ маънавиятининг бой дурдона-сидир.

Умид БЕКМУХАММАД, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Advertisement for "Asaka" bank and "UZ-DAEWOO" company. It features images of various cars (Lexus, Dacia, etc.) and text describing car financing and leasing services. Key text includes: "Асака" банки, "Ўздэуавто" компанияси, билан биргаликда, 2003 йил 1 августгача автомобилларни КРЕДИТГА сотмоқда, Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда, Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса 2 йил давомида йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда тўланади, Автомобиллар ҳақидаги ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!

Advertisement for "Пахта Банк" (Cotton Bank). It features images of cotton fields and a person holding cotton. Key text includes: "ЮРТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!", Акциядорлик тижорат "Пахта Банк", Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, йиллик 54 фоиз даромад тўланадиган, "Ҳосил", жамғарма омонатини таклиф этади, Ушбу омонатга маблағингизни "Пахта Банк" нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин, Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!, "Пахта Банк" - фаровонлигингиз қалитидир!

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Санд АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахриддин ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87.	ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Коракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-649-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар Навбатчи: М. АКРАМОВ
-------------------------------------	--	---	--	---	--	---	---